



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 12 - avgust

725 u -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Раматов Равшон Матназар
ўғлининг турар жой биносига бўлган
эгаллик ҳуқуқини белгилаб бериш
тўғрисида

Боғот тумани “Хуррият” маҳалласида яшовчи фуқаро Раматов Равшон Матназар ўғлининг “Хуррият” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгаллик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 19 мартдаги ШЯ-Р-1213-сонли аризасини, “Хуррият” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилояти бошқармасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 18 мартдаги 904-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Боғот тумани “Хуррият” маҳалласида жойлашган 7 (етти)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 74,64 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 72,85 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 147,49 квадрат метр, қурилиш ости майдони 197,94 квадрат метр, умумий ер майдони 1200,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Раматов Равшон Матназар ўғлига мулк ҳуқуқи асосида унга эгаллик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Раматов Равшон Матназар ўғлига ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси

“Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Раматов Равшон Матназар ўғлига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

• **Боғот тумани ҳокими**



Ш.Яхшибаев